

**Муסיқий таълим ва тарбияда замонавийлик**

*Жиззах Давлат Педагогика Университети,*

*Мактабгача таълим факультети,*

*Муסיқа таълими кафедраси*

*доценти **Бобоқулов Қахрамон Садуллаевич***

**Аннотация:** Ушбу мақолада муסיқа ва маънавий тарбия масаласи долзарблиги ва бу масалани мактабда муסיқа дарслари орқали ўқитиш жараёнида шакллантирилиши ўқувчиларнинг назарий билимларни ижодий ташаббускорлик маънавиятли жамият тараққиёти учун ўз хиссасини қўиши ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** муסיқа, таълим-тарбия, индивидуал ёндашув, мактаб, шахс, хислат, вазифа, фикр, фаоллик, руҳият, ахлоқий ҳислатлар.

**Аннотация:** В данной статье обсуждается важность вопроса музыкально-духовного воспитания и формирование этого вопроса в процессе обучения посредством уроков музыки в школе, теоретические знания учащихся, творческая инициатива, вклад в развитие духовное общество.

**Ключевые слова:** музыка, образование, индивидуальный подход, школа, человек, характер, задача, мысль, деятельность, мышление, нравственные чувства.

**Abstract:** This article discusses the importance of the issue of musical and spiritual education and the formation of this issue in the learning process through music lessons at school, students' theoretical knowledge, creative initiative, and contribution to the development of spiritual society.

**Key words:** music, education, individual approach, school, person, character, task, thought, activity, thinking, moral feelings.

Ҳозирги замон Ўзбекистон жамиятида содир бўлаётган демократик ислохотлар ҳам ялпи глобаллаштириш жараёнида амалга оширилмоқда. Бу

мақсадлармустақил давлат, эркин жамият куриш, халқимизнинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш, содда қилиб айтганда, ривожланган демократик мамлакатларда одамлар қандай яшаса, шундай ҳаёт кечириш мақсадлари одамлар онгидан тобора чуқур кириб бормоқда, уларнинг амалий ишларида тобора кенг ўрин эгалламоқда. Буюк Турон заминида мусиқа маданияти ва ижрочилик санъатининг ривожланиши қадим замонларга боғланиб кетади. Буюк шарқ алломалари Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Паҳлавон Маҳмуд, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Паҳлавон Муҳаммад, Нажмиддин Кавкабий, Дарвиш Али Чангий ва бошқа улуғ бобокалонларимиз ўзларининг рисоаларида ижрочилик санъати, мусиқа илми ва тарихи, чолғу созларининг тузилиши, ижровий услублари, санъаткорлик қонун - қоидаларига оид қимматли маълумотларни баён этиб кетганлар. Машҳур дидактик асар «Қобуснома»да ҳам ҳофизлик ва санъаткорликнинг қоидаларига бағишланган алоҳида боб ўрин олган. Ўша даврнинг буюк олими Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотий турк» асарида қадимий туркий халқларнинг халқ оғзаки ижоди ва кўшиқлари, байрам ва маросимларидаги меҳнат кўшиқлари, қахрамонлик кўшиқлари ҳақида намуналар берилган бўлиб, ўша замонда кўшиқчилик жанри ривож топганини кўрсатади. Маълумки, давлат раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишлари янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038 сонли қарори ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда таълим олувчиларнинг маънавиятини, онгу-тафаккурини ва фаоллигини ошириш учун мусиқа дарсларини ўқитиш жараёни шундай ташкил этилиши керакки бунда талабалар илмий назарий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва фаол эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақил, тафаккур, нутқ

ривожланадиган, чолғу асбобларини ижро эта оладиган ва энг асосийси маънавийтли жамият тараққиёти учун ўз хиссасини қўша оладиган бўлсин. Миллий маънавийтимиз ривожда бошқа санъат турлари қаторида музика санъати ҳам муҳим ўрин тутди. Миллий музика музика санъатининг энг қадимий ва шу билан бирга, халқ оммасига кенг тарқалган, унинг турмушига чуқур сингиб кетган соҳаларидан биридир. Музика ҳам реал воқеликни акс эттиради. Музиканинг миллий маънавийтимизга таъсир кучи шу қадар каттаки, унинг ёрдамида беморларни даволаш мумкинлигини фан аллақачон исбот қилган. Абу Али Ибн Сино музиканинг таъсир кучига катта аҳамият бериб, айрим руҳий касалликларни музика куйлари воситаси билан даволаш мумкин, деган фикрни илгари сурган эди. Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий “Катта музика” китобида музика назарияси оҳангларининг турлари, келиб чиқиш сабаблари, кишига маънавий, руҳий таъсири ҳақидаги қимматли фикрларини билдирган. Форобий музика илмида фақат назариётчи бўлибгина қолмай, амалиётчи ҳам бўлган. Унинг ўзи таниқли музикачи, ажойиб созанда ва бастакор, янги музика асбоби ихтирочиси сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Музиканинг ажойиб сеҳрли кучи, мўжизакор таъсири ҳақида фикр юритиб, Форобий “Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида” асарида шундай ёзади: “Бу илм шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган одамни тартибга келтиради, мукамалликка етмаган халқни мукамал қилади ва мувозанатини сақлаб туради”. Хусусан, миллий маданиятда музика юксак туйғулар, завқ - шавқли ғоялар оламини очиб беради. Одамларни маънавий жиҳатдан бой, соф баркамоллик даражасига етказди. Бола ҳали кўлига қалам ушлашни, ўқиб ёзишни билмай турибоқ музикани ҳис қила олади. Кўпинча шу дастлабки таассуротлар музикага бўлган муносабатларнинг шаклланишига таъсир қилади. Шунинг учун умумтаълим мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида музика таълимига ҳам эътибор берилган. Музика, аввало, болаларнинг ҳис-туйғуларини майинлаштиради. Музика асарларини ҳис этиш каби уларда кўпгина инсоний фазилатларни уйғотади. Албатта, инсоний фазилатларни камол топтиришда адабиёт, тарих, спорт ва бошқа соҳалар катта

Ўрин тутади. Бинобарин, назм ва муסיқа доимо ёнма- ён яшайди. Муסיқани ҳис этиш табиат таассуротлари остида туғилади, қолаверса, боғча ва мактабда шаклланиб боради. Муסיқа дарслари ўқувчиларни фақатгина нафосат жиҳатдан эмас, балки кенг маънода маънавий- ахлоқий жиҳатдан ҳам тарбиялайди. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, не-не замонлар зайлига бардош бериб, халқнинг орзу-армонлари, ўйлари ва интилишларини мужассам этган куйкўшиқларимиз, мақомларимиз барча турдаги таълим муассасалари ўқув дастурларидан кенгроқ жой олса яхши бўлар эди. Замонамизнинг забардаст ёзувчиси, жаҳонга машҳур адиб Чингиз Айтматов “Кунда” романида ёзади: “... ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шавқ ва илҳом ҳаммасини муסיқа айтади, зотан, биз муסיқа воситасида энг олий ҳурликка эришамиз, бу ҳурлик учун онгимиз ёришган замонлардан бошлаб, бутун тарихимиз давомида курашганмиз, лекин унга муסיқадагина эришганмиз”. Халқимиз яратган муסיқа дурдоналари ҳар бир фаолиятимизда, ҳар сонияда - тарбияда, меҳнатда, ижтимоий муносабатда маълум даражада ўз ифодасини топади. Миллий муסיқа атрофдаги ҳодисалардаги гўзалликни идрок этишга ва қадрлашга ўргатади, нозик дид ва ҳур фикр билан қуроллантиради, маънавий оламини кенгайтиради. Шу боис муסיқани “тилсиз фалсафа” деб бежиз айтишмаган. Зеро, муסיқий билимларни эгаллаш аввало шахснинг руҳий олами билан чамбарчас боғлиқ. Муסיқашунос олимлар томонидан тавсия этилган концепсияларга таяниб, биз муסיқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бола шахсининг қандай фаолият турида қайси шахсий хусусиятлари шаклланишини чизма ёрдамида кўрсатиб бердик. Муסיқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бола шахсини шакллантиришда муסיқа таълимининг аҳамиятини муסיқа машғулотларини таҳлил қилиш орқали кўришимиз мумкин. Демак, муסיқий машғулотлар давомида маънавиятни шакллантиришда: Биринчи навбатда ёшлар миллий ғурур ва юксак маданият эгаси бўлишлари учун ҳам муסיқа санъатига ошно бўлишлари керак бу вазифаларни амалга оширишда муסיқа фани ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юклайди. Кўшиқ куйлаш фаолиятида муסיқий дунёқараш, муסיқий дид шаклланади. Бу фаолият турида болалар муסיқий билимларга

асосланган ҳолда қўшиқ куйлайдилар. Бунинг учун улар муסיкий асарга тааллуқли бўлган маълумотларни ўзлаштирадидлар. Шу жараёнда уларда муסיкий дунёқараш ва муסיкий дид шаклланади. Муסיқа саводи фаолиятида муסיкий тафаккур, тасаввур ва муסיкий дунёқараш шаклланади. Бу фаолият турида болалар муסיқанинг яратилиш тарихи, муסיқанинг ифода воситалари – ритм, метр, регистр, ўлчов, лад, темп, нота йўли ва ёзуви, товушлар узунлиги ва баландлиги, муסיқа ижодкорлари, ижрочилари ҳақида билимга эга бўлиш билан бирга, уларнинг муסיкий тафаккурлари шакллана боради. Бу ўз навбатида болаларни муסיқа оламига олиб киради ва муסיкий дунёқарашларини шакллантиради. Хулоса қилиб айтганда муסיқава маънавий тарбияни шакллантиришда муסיқа маданияти дарсларида ўқувчиларни миллий муסיқа санъатига суяниш, унинг асрий анъаналари ва намуналаридан кўпроқ баҳраманд этиш лозим. Оилада ота-онлар, мактабда муסיқа муаллимлари болаларга яхши муסיқа ва қўшиқ одамнинг қалбини тозалашини, руҳини поклашини, кайфиятини кўтаришини, эзгу мақсадлар сари йўналтиришини кўп бор уқдиришади. Маънавиятли. иқтидорли. ижодкор, муסיқани севадиган инсонларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳақийқий ватанправар ўқитувчигина шакллантира олади бунинг учун ўз касбига ва ватанга муҳаббати ва садоқати бўлиши шарт.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Sh.Mirziyoyev. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. 2017 yil.
2. Г.Шарипова ,Ғ.Нажмеддинов.Муסיқа ўқитиш методикаси .Т.2018 й
3. Жалолиддин Румий. Учмоққа қанот йўқ, вале учгайман. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.
4. Файзиев. О. Мактабда муסיкий тарбия. Т.2000 й..